

## ТАСАВВУФ ВА БУГУНГИ ДАВР

**Жаъфар Мухаммадиевич Холмўминов**

“International School of Finance Technology and Science” институти профессори,  
фалсафа фанлари доктори (DSc)

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ислом дини таркибида шаклланиб, унинг Ислом, Иймон ва Эҳсон каби қисмларидан учинчи қисмига тааллуқли бўлган ва Мусулмон Шарқида салкам 1300 йилдан буён тарихий тараққиёт босқичларини босиб ўтиб, мукамал бир диний-фалсафий таълим сифатида шаклланган Тасаввуф ва унинг бугунги даврдаги аҳамияти ҳақида фикр юритилади.

Муаллифнинг фикрича, иррационал билиш усулига асосланган, аммо, шунингдек, рационал тафаккурни ҳам инкор этмайдиган, диний ва дунёвий тафаккур, интуитив ва ақлий билимни уйғунлаштирган ушбу диний-фалсафий таълим Ер шарининг катта қисмида ўзининг салкам 1300 йиллик мавжудлиги давомида такомиллашиб бориш ва модернизациялашиш имкониятлари кенглигини исботлаб берган. Бу ҳолатни айниқса, ҳам Шарқ ва ҳам Ғарб дунёсида кенг тарқалган Мавлавия (Мавлоно Жалолоддин Румий асос солган) ва Нақшбандия (Хожа Баҳоуддин Нақшбанд асос солган) каби ирфоний тариқатлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Шу жиҳатдан, Ер шари аҳолисининг салкам ярмига ижобий руҳий-маънавий таъсир етказган, диний ва дунёвий илмларнинг ривож, адабиёт ва санъатнинг юксалишига муносиб ҳисса қўшган тасаввуф таълимотини глобал цивилизацион ҳодиса сифатида баҳолаш лозим, деган фикрни олға суради.

Муаллифнинг таъкидлашича, руҳий инқироз ва маънавий-ахлоқий таназзулга учраган бугунги давр инсон учун Тасаввуфнинг ҳаётбахш ғоялари инсон руҳиятини муътадиллаштиришга, уни келажакка бўлган ишончини оширишга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, уни фалсафий-психологик жиҳатдан жиддийроқ ўрганиш ва руҳий тарбия усулларида бири сифатида қўллаш яхши натижалар бериши мумкин, деган хулосага келади.

**Калит сўзлар:** Ислом, ислом дунёси, дин, Ислом дини, шариат, тасаввуф, тасаввуф фалсафаси, тасаввуф таълимоти, тасаввуф илми, глобал, глобаллашув, ғоя, модернизм, Шарқ, Ғарб, таъсир, руҳий-маънавий тарбия, позитивизм, тараққиёт, камолот.

## SUFISM AND THE PRESENT PERIOD

### ABSTRACT

This article discusses the significance of Sufism, which was formed as part of the Islamic religion and belongs to the third part of Islam as “Ihsan”, and has undergone 1300 years of historical development in the Muslim East.

According to the author, this religious and philosophical teaching, based on an irrational way of knowing, but not denying rational thinking, combining religious and worldly thinking, intuitive and intellectual knowledge, has proven a wide range of possibilities for improvement and modernization in most of the Earth's territory over time its existence. This situation can especially be seen in Sufi orders such as the Mawlawiya (founded by Maulana Jalaluddin Rumi) and the Naqshbandiya (founded by Khwaja Bahauddin Naqshband), which are widespread in both the eastern and western worlds.

From this point of view, he put forward the idea that the teachings of Sufism, which had a positive spiritual influence on almost half of the world's population, contributed to the development of religious and secular sciences, and the rise of literature and art, should be assessed as a global civilizational event.

According to the author, for a modern person who has experienced a spiritual crisis and spiritual and moral decline, the life-giving ideas of Sufism serve to stabilize the human spirit and increase his confidence in the future. From this point of view, it is concluded that studying it more seriously from a philosophical and psychological point of view and using it as one of the methods of spiritual education can give good results.

**Keywords:** Islam, Islamic world, religion, Islamic religion, Sharia, Sufism, philosophy of Sufism, teachings of Sufism, Sufi science, globality, globalization, idea, modernism, East, West, influence, spiritual education, positivism, development, maturity.

### КИРИШ

Ҳеч қандай муболиға эмас: бугунги кунда Ер шарининг Япониядан ери-Америкагача бўлган худудлари оралиғида Тасаввуф таълимотига фавқуллода қизиқиш билан киришиш жараёни бошланган. Бугунги кунда бу исломий тафаккур ва ҳаёт тарзи – Тасаввуф ва унинг илмий-бадий шакли, ҳаётбахш ғояларини мусулмонлар билан биргаликда турли дин ва миллат вакиллари ҳам ўрганишга бел боғлашган. Нега? Чунки тобора маънавий қашшоқлик, ахлоқий тубанлик ва



руҳий инқирозлар гирдобига тушиб бораётган инсоният Тасаввуфнинг руҳий тарбия усулларидан фойдаланишга муҳтож бўлиб бормоқда. 2021 йил 18 июн куни Навоий давлат педагогика институти томонидан ташкил этилган “Бағрикенглик ва тинчликсеварлик контекстида ислом илмий-маънавий мероси” мавзусидаги халқаро илмий онлайн конференциясида иштирок этган таниқли рус исломшунос-тасаввуфшунос олими профессор А.Д.Кныш бизнинг “Тасаввуф эскирган таълимот ва бугунги даврга мос келмайди, шундай экан, уни ўрганишнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ”, деган фикрлар ҳам бор. Сиз бу ҳақда нима дейсиз: Тасаввуфни ўрганиш керакми ё керак эмасми?” деган саволимизга “Шак-шубҳасиз, бу ҳеч қачон эскирмайдиган таълимот. Айниқса, бугунги давр инсони учун у жудаям керак”, дея жавоб берган эди.

Тасаввуф таълимотининг Мусулмон Шарқи халқлари маънавиятини шакллантиришдаги ўрни ё аҳамияти ҳақида сўз юритганда қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратишга тўғри келади: Тасаввуф таълимоти Мусулмон Шарқида рационал фалсафа турлари – Қадимги Юнон фалсафаси (Шарқ аристотелизми ва неоплатонизм) ва ислом теологияси – Калом фалсафаси (Мўътазилия, Ашъария, Мотуридия, Ботиния)дан сўнг фалсафий тафаккур оламида мутлақ иррационал ҳисобланган учинчи йўналиш – *Ирфон фалсафасини* бошлаб берди ва ҳатто тўртинчи йўналиш – Ишроқ фалсафасининг шаклланишида ҳам (Шайх Шаҳобиддин Сухравардий таълимоти мисолида) фаол қатнашди. Шунингдек, маълум даражада рационал фалсафага ҳам таъсир кўрсатди (масалан, Ибн Синонинг “Ҳай ибни Яқзон”, “Рисола фил-ишқ”, “Рисолаи машриқия” каби асарлари мисолида).

Тасаввуф ўзига хос бўлган *динишунослик* тизимини ишлаб чиқди. Бунинг учун Қуръон, Ҳадис ва Тасаввуф илмлари пешволарининг қарашларидан унумли фойдаланди. Тасаввуф таълимоти шунингдек, яна бир қатор фан соҳаларига ҳам фаол тарзда кириб борган. Жумладан, *ислом тарихи* (тасаввуф тарихига оид юзлаб асарлар – табақотлар, тазкиралар, маноқибликлар, мақомотлар мисолида. Жумладан, Суллабийнинг “Табақот ус-сўфия” номли табақоти, Атторнинг “Тазкират ул-авлиё”, Афлокийнинг “Маноқиб ул-орифин”, Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс”, Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” номли тазкиралари), *Қуръони карим тафсири* (ирфоний тафсирилар, жумладан, Мустамлий Бухорийнинг “Тафсири”и (бизгача етиб келмаган), Жомийнинг “Тафсир”-и (бизгача етиб келмаган), Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг ирфоний тафсири мисолида), *Ҳадис илми* (Тасаввуф таълимотига мос тушадиган ҳадисшунослик), *адабиётшунослик* (бадий характерга эга бўлган тасаввуфий асарлар, хусусан, ирфоний



шеъриятдаги рамзу мажозларни очиб берадиган шарҳнавислик мисолида. Масалан, “Шарҳи Шайх Маҳмуд Шабустарийнинг (678/1289 – 720/1321) “Гулшани роз” маснавийсига Шох Неъматуллоҳ Валий томонидан “Равзаи атҳор”, Шамсиддин Муҳаммад Лоҳижий томонидан “Мафотех ул-эъжоз фи шарҳи “Гулшани роз” номли назмий шарҳлар битилган), *тилунослик* (тасаввуфий сўзлар, истилоҳлар ва ибораларни изоҳлаб берадиган луғатшунослик мисолида), *педагогика* (устозлар (муршидлар)нинг шогирдлар (муридлар) учун ёзган қўлланмалари мисолида. Жумладан, Калободийнинг “Китоб ат-таъарруф ли мазҳаб ат-тасаввуф” асари), *этика* (муршид ва мурид ахлоқи, хонақоҳ ахлоқ одоби, устозлар, ота-она, ёши катта кишиларга ҳурмат ва эҳтиром, оила одоби, таълим олиш одоби, юриш-туриш одоби, муоамала маданиятига оид асарлар мисолида) каби фанларнинг такомиллашуви учун ҳам хизмат қилган. Масалан, Мустамлий Бухорийнинг “Шарҳ ат-таъарруф ли мазҳаб ит-тасаввуф” асарининг 3-рубъида (4 жилдликнинг 3-китоби) касб ҳунар ўрганиш, тавба, сабр, шукр, ихлос, тавозуъ ва ризо каби ахлоқий фазилатлар ҳақида ҳам ҳаётий, ҳам диний (тасаввуфий) нуқтаи назардан фикр юритилади. Жумладан, асарнинг “Касб-ҳунар таърифида” деб номланган 23-бобида кучли мантикқа асосланган қуйидаги фикр келтирилади: “Аммо шайх раҳматуллоҳ (Абу Бакр Калободий – Ж.Х.) шундай дейди: “Менинг назаримда касб-ҳунар билан шуғулланиш банданинг Ҳақдан юз ўгиришига сабаб бўлмаслиги лозим. Яъни (киши касб-ҳунар билан шуғулланмоқчи бўлган киши аввал) ўз нафсининг ҳолатига қараши лозим.

Киши касб-ҳунар билан шуғулланмаган тақдирда унинг нафси Ҳақдан юз ўгирадиган ва махлуқларга юзланадиган бўлса, унга касб-ҳунар билан шуғулланиш худди намоз ўқиш каби фарз ҳисобланади”. [12]

Шунингдек, ўрта асрлардаги *эстетика* (сўфий диди, масалан, Шайх Нажмиддин Кубронинг ранглар хусусияти ва уларнинг сўфийнинг руҳий-маънавий ҳаётидаги ўрнига оид “Латойиф” назарияси), *психология* (муршид ва мурид психологияси, солиқ (тарикат йўловчиси) психологияси, ориф психологиясини тушунтириб берадиган асарлар мисолида. Масалан, маноқиблар ва мақомотларнинг аксарияти шунингдек, психология фанига оиддир.

Тасаввуф таълимотидаги “Ҳолот” ва “Мақомот” каби солиқ (сўфий)нинг йўл давомидаги руҳий ҳолатлари, ички кечинмалари, руҳият жилвалари (Шайх Атторнинг “Мантиқ ут-тайр”, Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” каби дostonларидаги етти водий сафари) ҳам ўзига хос психология ҳисобланади), *социология* (сўфийнинг

жамият, ижтимоий ҳаётдаги ўрни масалан, сўфийларнинг оила масаласига муносабатлари, хонақоҳ социологияси, таркидунёчилик (аскетизм; жамиятдан қочиш) ва жамият билан бирга бўлиш тамойили (масалан, Нақшбандия тариқатидаги “Дил ба Ёру даст ба кор”, “Хилват дар анжуман” – зоҳирда жамият билан бирга бўлиш, аммо ботинда Ҳақни эсдан чиқармаслик тамойили мисолида), *этнология, этнография ва аксиология* (хонақоҳнинг ўзига хос қонун-қоидалари, расм-русумлари ва маросимчилиги тасвирланган асарлар), *сиёсатшунослик* (масалан, Тасаввуф намояндалари Имом Муҳаммад Ғаззолийнинг “Насиҳат ул-мулук” (Подшоҳларга насиҳат), Хожа Самандар Термизийнинг “Дастур ул-мулук” (Подшоҳлар учун қўлланма) номли асарлари мисолида) фанлари ҳам Тасаввуф таълимотидан сезиларли даражада озиқланган.

Тасаввуф аслида Мусулмон Шарқининг ғайриараб халқлари томонидан яратилган диний-фалсафий таълимот бўлганлиги сабабли унинг кўзгусида асосан минтақанинг форсийзабон ва туркийзабон халқлари дунёқараши ва маънавий олами ўз аксини топган. Бунга Тасаввуфнинг илк намояндалари – Иброҳим Адҳам, Шақиқ ибн Иброҳим ва Ҳотам ибн Унвон ва бошқаларнинг аҷамий халқларга мансуб бўлганликлари ва Тасаввуфнинг кейинги тараққиёт босқичларида муҳим ўрин тутган бир қанча тариқатлар ёки силсилалар, жумладан, Ҳақимия, Форсия, Адҳамия, Чиштия, Сўҳравардия, Мавлавия, Қодирия, Кубравия, Хожагон, Яссавия, Нақшбандия, Бектошия, Нурбахшия, Заҳабия, Сафавия, Неъматуллоҳия, Ифтишошиянинг асосчилари хуросонлик ва мовароуннаҳрлик шайхлар эканлиги қатъий далил бўла олади.

Сўфиёна турмуш тарзи, Тасаввуф маросимчилигида халқнинг кундалик ҳаёти, унинг аҳволу руҳияси ўз ифодасини топган. Аслида Тасаввуфнинг баъзи бир хонақоҳ маросимлари оддий халқ маросимларига тақлид қилиш асосида вужудга келган. Афсуски, Тасаввуф бадий адабиётининг яратилиши ва шаклланишида халқ оғзаки ижодиёти унсурлари мавжудлигига қарамай, бу масала Тасаввуф тарихига доир тадқиқотларда ҳалигача жиддий тарзда тадқиқ этилмаган.

Мансур Ҳалложнинг фожиали қисмати Тасаввуф аҳлини эҳтиёткорлик ва ҳушёрликка даъват этгандай бўлди. Сўфийлар Шайх Абўсаид Абулхайр ўртага ташлаган “Тасаввуфнинг биринчи қадами дафтари қаламдан воз кечмоқ ва илмни эсдан чиқармоқдир”, деган шиорига қарамай давр тақозоси билан ўзларини ҳимоя қилиш мақсадида Қуръони карим оятлари ва Ҳадиси шарифга асосланган Тасаввуф адабиётини яратишга киришдилар. Натижада, XI-асрдан бошлаб, Тасаввуфнинг





фалсафий дунёқараши Шарқ бадий адабиётига кўча бошлади. Абулмажд Санойи Ғазнавий шеърлари билан бошланган бу жараён кейинги 900 йил давомида бутун жаҳон адабиётига таъсир етказишга қодир бўлган Тасаввуф бадий адабиёти яратилди. Хусусан, назмнинг маснавий, ғазал ва рубоий каби жанрлари тасаввуфий ғояларнинг хизматида бўлди. Ана шу жараёнда халқ оғзаки ижодининг эпик жанрлари тасаввуфий-бадий адабиётнинг эпик жанрларини, халқ лирикаси эса тасаввуфий-бадий шеъриятнинг лирик жанрларини шакллантиришда муҳим омил сифатида хизмат қилди. Буни халқона оҳангдаги рубоиларини тасаввуфий ғоялар билан уйғунлаштирган Бобо Тоҳир Урён ижоди мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Тасаввуф бадий адабиётининг эпик жанрларига мансуб бўлган Шайх Атторнинг “Мантиқ ут-тайр”, Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий”, Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг “Ҳафт авранг”, Алишер Навоийнинг “Хамса”, “Лисон ут-тайр” каби асарларида Шарқ халқлари асотирлари, афсона ва ривоятларидан олинган эпизодлар, қаҳрамонлар, персонаж ва образлар Тасаввуф ғояларини бадий тарзда тушунтириш учун хизмат қилди. Шайх Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” ва Навоийнинг “Лисон ут-тайр” тамсилий дostonларидаги Семурғ (аслида “Симурғ” – “Ўттиз куш”) тимсоли эроний халқларнинг Симурғ (“Авесто” ва паҳлавий манбаларда “Синмурв” ва “Синамурук” шаклларида учрайди) номли афсонавий куш ҳақидаги асотири асосида яратилган.

Форсийзабон сўфий-шоирлар – Бобо Тоҳир Урён ва Мавлоно Жалолиддин Румий, туркийзабон сўфий-шоирлар – Хожа Аҳмад Яссавий ва Бобораҳим Машраб ижодиётида халқона тамсил ва тасвирлар, халқ оғзаки ижодиётига хос бўлган тафаккур ва мусиқа уйғунлигини мушоҳада этиш мумкин. Уларнинг сўфиёна ғазал ва рубоийларида халқ мақоллари, ибора ва таъбирларидан энг мужаз ва гўзал шаклларда фойдаланилган. Шарқ мумтоз шеъриятининг орифона-ошиқона лирикасидаги самимийлик, соддалик ва равонлик ҳам аслида халқ оғзаки ижодиётидан сарчашма олади.

Тасаввуф таълимоти Шарқ халқлари санъатининг турли соҳаларига ҳам сезиларли даражада таъсир етказган. Жумладан, мумтоз мусиқа саналадиган “Шашмақом”ни ушбу таълимот талқинларисиз англаб этиш амри маҳол.

Ўзбекистондаги тарихий обидалар архитектураси, нақш-нигорлари, тасвирлари, ранглари ҳам Тасаввуф фалсафасига бориб тақалади. Демак, Тасаввуф миллий меъморчилик ва тасвирий санъатга ҳам кириб борган экан. Камолиддин Беҳзод миниатюралари,



Бойсункур Мирзо кутубхонасида китобат қилинган хаттотлик намуналари ҳам Тасаввуф таълимоти билан уйғундир.

Минтақа халқлари Ислом дини ғояларини Тасаввуф талқинлари, юқорида зикр этилган Мусулмон Шарқи улуғ алломаларининг маънавий мероси орқали ўзига сингдирган, олам ва одам моҳиятига Тасаввуф кўзгуси билан назар ташлаган. Зеро, Тасаввуф Калом илми билан бир қаторда Ислом динининг асл моҳиятини тушунтириш усулларида бири бўлиб келган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, бугунги Ўзбекистон заминида Тасаввуфнинг 5 та машҳур тариқати яратилган ва амал қилган: Ҳакимия, Хожагон, Яссавия, Кубравия, Нақшбандия. Шунингдек, Қодирия, Маломатия, Қаландария каби тариқатлар ҳам кенг тарқалган.

Бу юртда Ҳаким ат-Термизий, Абу Бакр Варроқ Термизий, Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизий, Абу Туроб Нахшабий, Абу Бакр Калободий, Мустамлий Бухорий, Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Азизиддин Насафий, Хожа Аҳмад Яссавий, Шайх Нажмиддин Кубро, Хожа Муҳаммад Порсо Бухорий, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий, Хожа Аҳмад Махдум Даҳбедий, Сўфи Аллоҳёр, Бобораҳим Машраб каби ўнлаб улуғ мутасаввифлар яшаб, ижод қилган.

Тасаввуф Аҳли суннат ва жамоъатнинг фикҳий ва ақидавий мазҳаблари, айниқса, Ҳанафия, Шофеия, Моликия мазҳаблари, Ашъария ва Мотуридия калом мактаблари доирасида шаклланган таълимот сифатида ушбу фикҳий-ақидавий мазҳабларга эргашган мусулмонларнинг диний дунёқарашини шакллантириш ва юксалтиришда хизмат қилиб келган.

Бир томондан кўп маданиятли, бир томондан эса глобаллашув жараёнида ягона иқтисодий макон ва ягона маданиятга қараб кетаётган даврда, Тасаввуф таълимоти ислом дунёсида сокинлашиб, яққаланиб қолган. Исломшунос тадқиқотчилар тасаввуфнинг инқирозига икки омилни асосий сабаб қилиб кўрсатишади: тасаввуф аҳлининг Ислом жамиятига бўлган ишончининг йўқолиши; шариат аҳлининг ҳақиқий Ислом таълимотидан узоқлашиб, шариат буюрган ибодатларни адо этишда нуқсонларга йўл қўйиши. Шунингдек, номусулмон жамиятли Ғарбнинг тараққиёти мусулмон давлардан кўплаб жиҳатларда устунлик қилишмоқда. Ушбу кўп маданиятли ва глобаллашув замонида, кўплаб мусулмонларнинг дунёқарашини прагматик тус ола бошлади.

Прагматик дунёқараш капитализм ривожини фонидида инсониятга ниҳоятда катта босим ўтказмоқда. Ғарб мамлакатларида “Фаровонлик жамияти” ўтган асрнинг саксонинчи йилларига қадар ўрнатилган бўлсада, инсониятнинг бахт-саодатга эришуви

ҳақидаги секуляризм тарафдорлари ва прагматик сиёсатчилар илгари сурган ғоялари ўзини оқламаганини бугунги кунда ривожланган мамлакатлардаги суицидлар, турли жиноятлар ва ахлоқий бузқликлар кўрсаткичлари ўсиб бораётгани бунга яққол далилдир. Демократик жамиятларнинг асосий шиори бўлмиш “инсон ҳуқуқлари ва хоҳишлари олий қадрият”лиги натижасида ҳозирги кунда Ғарб мамлакатлари ўз қонунчилигига бир қанча инсонийликка зид бўлган ахлоқсизликларни ўз мамлакатларида легитимлаштиришга мажбур бўлмоқда. Шветсарияда инсон яшашни истамаса уни ўз талаби асосида осон йўл билан ҳаётига нуқта қўювчи Сарко номли 3-д мосламалар (Insider.3 d-printed suicide pods are now legal in Switzerland) давлат томонидан рухсат берилган. Ғарб мамлакатлари, жумладан Нидерландия, Германия, Белгия, Люксембург, Канада, Колумбия каби иқтисодий барқарор ривожланган мамлакатларда кузатилиши (Nicola Davis “Euthanasia and assisted dying rates are soaring”. Guardian) демак, иқтисодий ривожланиш ва фаровон ҳаёт ҳар доим ҳам инсонга бахт олиб келмайди деган хулоса чиқаришга олиб келади. Бир сўз билан айтганда, капитализм инсониятга фойдадан ташқари катта зарар ҳам келтирмоқда.

XIX асрда яшаб ижод қилган рус файласуфи ва жамиятшуноси М.Бакунин инсон хоҳиш ва майлларининг эркинликликлари мавжуд ахлоқий кодекслар доирасида бўлса позитив анархизм, агар бунинг тескариси бўлиб унга ҳукумат ва жамият томонидан мақулланса негатив анархизмга сабаб бўлади, дея таъкидлаган. Бакуниннинг неагтив анархизм қарор топганлигини Ғарбда инсоний фитрат ва табиатга бутунлай зид бўлган бир жинсли никоҳ, ўз жинсини ўзгартириш ҳуқуқи, ўз жонига қасд қилишда ҳукуматнинг амалий ёрдами каби инсон эшитса сесканадиган тушунчалар бугун инсониятни иқтисодий ривожланиш қатори ушбу муаммоларни ҳам келажак авлод учун зудлик билан ҳал қилиш кераклигини кун тартибига қўймоқда. Ушбу рўй бераётган воқеалар фониди христиан оламида одамларнинг черковга бўлган ишончи кескин тушиб кетиб, айримлари динсизликни, катта қисми эса ислом динини ихтиёр қилаётгани айни ҳақиқат. Статистик маълумотларга қараганда, 2016 йилга қадар Ғарбий Европа аҳолиси исломни қабул қилиш кўрсаткичи сезиларли 11% ни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2050-йилга қадар 16% дан кам бўлмаган ҳолатда етиб бориши башорат қилинган. Ушбу кўрсаткич миграция омилидан ҳоли эканлиги фактдир. Ушбу кўрсаткич иқтисодий фаровонлиги юқори Скандинавия давлатлари, Франция, Германия, Нидерландия, Белгия, Буюк Британия, Австрия, Шветсария каби давларда 12% дан юқори кўрсаткичдалиги





фикримиз исботидир. Европа мамлакатлари нафақат исломни қабул қилиб ислом шариати буюрган амалларни адо этишга ўтмоқда балки, иқтисодиёти ва сиёсатига ҳам исломий ҳқумларни жорий этаётгани ҳақиқатдир. Ислом молияси атамаси бугунги кунда дунё бўйлаб иқтисодиётга кенг қилинаётган дастур ҳисобланади.

Дунё бўйлаб, хусусан, Европада шариатдан кейинги босқич – тариқат, яъни, тасаввуф (ботиний фикҳ)га [6] бўлган қизиқиш аввалгига қараганда сезиларли даражада ортган. Чор Россияси мустамлакаси ўзлигимиз акс этган ўтмишимиз, қадриятларимиз ва тасаввуф илмига ўз хиссаларини қўшган буюк аждодларимизни унутмаётган вақтимизда ҳам дунё бўйлаб кўплаб тадқиқотчилар уларни ўрганиб, улар илгари сурган ҳақиқатларни англаб етиб, ўз халқига таништирганларида Мусулмон Шарқи ҳали уйқуда эди.

Ислом фалсафаси ва тасаввуф ҳақида тадқиқотлар олиб бораётган бир қанча шарқшунос олимлар тасаввуфнинг инсон руҳияти ҳар қачонгидан ҳам тарбияга, тасаллига муҳтожлигини таъкидлаб, тасаввуфни бевосита психология илмига ҳам боғлиқ эканлигини эътироф этишмоқда. Илм-фан ва техника тараққиёти инсониятга кўплаб қулайликлар берибгина қолмай, кўплаб психологик муаммоларга ҳам сабаб бўлмоқда. Барча илмий ютуқлар ва тараққиётнинг фундаментал асоси бўлмиш инсон руҳияти учун фойдали бўлган ахлоқий кодекслар мажмуаси ҳисобланмиш дин унутилиб, моддий сари интилиш бугунги замон одами фитратига ўрнашиб, унинг олий мақсадига айланмоқда. Моддий манфаат учун кўплаб жиноятлар, мамлакатлараро эътибор берадиган бўлсак, урушлар, ядро қуролининг яратилиши, табиий ресурслар учун кураш кучайиши, турли геосиёсий ўйинлар, назарияларнинг барчаси инсониятни йўқ қилиш эвазига гегемон бўлишни мақсад қилиб олган маълум бир гуруҳлар туфайли инсониятнинг тинчи бузилган. Шундай вазиятда тасаввуфни ўрганиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим вазифага айланиб қолмоқда. Аммо тасаввуф мураккаб ва чигалликларга эга бўлиб, исломнинг руҳий, ақлий, ахлоқий, ботиний фалсафасини ўзида мужассам этган. Унинг асосида ўз-ўзини ислоҳ қилиш, тарбиялаш, ривожлантириш ва ўзгаларга яхшилик қилиш орқали ажр умид қилиш ётади. [7]

Европа олимлари тасаввуфни ислом динининг алоҳида бир қисми сифатида талқин қилиб, “Sufism” (Германия ва Францияда ҳам шундай) атамасининг сўнгги “исм”(изм) қисми унинг алоҳида бир ғояга эга тарихий мактаб эканлигининг исботидир.[1,52] Мутафаккирлар “Тасаввуф исломнинг фундаментал ажралмас қисми бўлиб, Имон, Ислом, Эҳсон номли устунларининг Эҳсон қисмига



тўғри келади. Имондан дин (калам), Исломдан шариат, Эҳсондан эса тасаввуф вужудга келди”,[7,112] деган фикрни тасдиқлайдилар.

Инсон онги ва феъл-атвори бевосита ўзида кўплаб фактлар ва кадриятларни жам қилади. Улардан бири бўлмиш факт асосан илм-фандан, кадриятлар эса диний ва диний бўлмаган фалсафалар, хусусан, гуманизм ва экзистенциализмдан қувват олади.[11,5-22]

Руҳият диний фалсафанинг ажралмас қисми бўлиб, кадриятларни белгилаб бергани учун инсониятнинг руҳий камолот бағишлайди. Шунинг билан 1884-йилда Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг 37-Халқаро Ассамблеясида руҳий саломатликни ижтимоий ва маданий жиҳатдан инсон саломатлигининг асосий қисмларидан бири эканлиги белгиланган.[2,47-51]

Инсон руҳиятини ўрганиш Фарбий Европанинг тиббиёт мактаблари илмий машғулоти рўйхатига киритилган.[3] Руҳий саломатлик нуқтаи назаридан, руҳият ушбу соҳада бошқа ўринларда “қалб”, “кўнгил” атамалари билан ҳам қўлланилади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсон саломатлигига ёндашувнинг ушбу кўриниши бик қанча позитив, баъзи ҳолларда негатив натижаларни фанга тақдим қилган. Ушбу тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мазкур ёндашув инсон саломатлигига фойда келтириш кўрсаткичи зарар келтириши ёки ҳеч қандай фойда келтирмаслигидан анча юқоридир.[8] Тасаввуф нафақат мусулмон оламида, балки номусулмон оламида ҳам кенг ёйилган, Шарқдан Фарбга томон ёйилиб бораётган ўзига хос маънавий шакли бўлиб, уни маънавий, руҳий фойдаси нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш керак.[9]

Дарҳақиқат, “бугунги давр инсони, ривожланиш ва юксалишларга қарамасдан, маънавий қашшоқлик ва руҳий инқироздан азият чекмоқда. Ўзининг асл табиатидан тобора бегоналашиб бораётган инсоният Албер Камюнинг ўз онасини кўмаётган чоғда бамайлихотир сигарет чекаётган ва қаҳва ичишни хоҳлаётган (“Бегона” асари) Мерсосига ўхшаб бормоқда. Тасаввуфга ўхшаган маънавий ва фалсафий таълимотлар айнан ана шундай инқирозлар учун ўзига хос вакцинадир. Инсоният руҳий тушкунликка тушган, маънавий-ахлоқий инқирозга юз тутган бир шароитда Тасаввуфнинг ўз-ўзини назорат қилиш ва бошқариш, ўз хатти ҳаракатлари, хато ва камчиликларини таҳлил қилиб бориш, ўзидаги ёмон хислатлар билан курашиб, улардан қутилиш, ўзини маънавий-руҳий жиҳатдан такомиллаштириш ва юксалтириш, инсонпарварлик ва ҳаётсеварлик ғоялари билан кучли иммунитет ҳосил қилиб, келажакка ишониб яшаш ва интилиш каби ахлоқий-руҳий тарбия усуллари бугунги кунда янада муҳим аҳамият касб этиб бормоқда”.[4,24-25]



Тасаввуф илми ислом динининг асл моҳиятини очиб берадиган калитдир. Унинг Ислом моҳиятини чуқурроқ англаш ва идрок этишга қаратилган инсон тафаккури ва ҳис-туйғуларини ҳаракатга келтирадиган усуллари турли халқлар ва миллатларнинг тафаккур тарзи ва эстетик дидига мос тушганлиги туфайли охириги минг йил давомида Ислом дини жуғрофияси янада кенгайди. Бошқача таъбир билан айтганда, айнан Тасаввуф таълимотининг Мавлавия, Қодирия ва Нақшбандия каби айрим тариқатлари туфайли Ислом тафаккури дунё бўйлаб тарқалиб кетди.

Тасаввуф илми шунингдек, ислом динининг асосий манбаи булган Қуръони Карим ва Ҳадиснинг асл моҳиятини очиб берувчи таълимот ҳисобланади. Ваҳийлик тажрибалари билан феноменологик асосга эга бўлган сўфий тажрибаларини ўрганиш диний билим манбаларини илмий тадқиқ қилиш имконини беради.[5] Шу туфайли дунё бўйлаб кундан кунга клиник тажрибалардан тадқиқотларгача, нормал ва ғайритабиий идрок ҳодисаларини ва унинг оқибатларини ўрганиш руҳий саломатлик билан боғлиқ фанларнинг ажралмас қисмини ташкил қилади ва руҳий саломатлик фанлари тадқиқотчиларига суфийлик илми ва тажрибаларини ўрганиш учун қулай шароит яратиб беради.[8]

Тасаввуф инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган ҳаётбахш бир таълимот сифатида бутун тарихи давомида ҳеч қачон радикал ва экстремистик оқимлар билан келишолмаган, ҳар қандай зулм, адолатсизлик, ноҳақлик, мутаассиблик, айирмачилик, ирқчилик, миллатчилик, зўравонлик, тажовузкорлик, қон тўкиш ва уруш-жанжалларга қарши бўлиб келган. Шунинг учун ҳам бутун Ислом тарихида зухур этган турли экстремистик кайфиятидаги оқимлар Тасаввуф таълимотига душманлик кўзи билан қараб келган ва бундай оқимларнинг тасаввуфга бўлган салбий муносабатини бугунги даврда ҳам кузатиш мумкин.

Тасаввуф аждодларимиздан қолган табаррук маънавий меросдир. Уни авайлаб-асрашимиз, жиддий ўрганишимиз ва келажак авлодга етказишимиз лозим. Шундагина улуғ аждодларимиз номи ва мероси билан фахрланишга лойиқ бўла оламиз. Ислом дини ва Тасаввуф таълимоти моҳиятини германиялик, америкалик ёки россиялик шарқшунослардан ўрганиш замони аллақачон ўтиб кетди. Зеро ҳеч ким бизни ўзимизчалик яхши билолмайди ва англай олмайди. Тасаввуф эса маънавий борлиғимиз рамзларидан биридир. Бу илмни Ҳаким ат-Термизи-ю Нажмиддин Кубро, Хожа Абдулҳолиқ Гиждувони-ю Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд-у Хожа Аҳроп Валий, Мавлоно



Абдурахмон Жомий-у Ҳазрат Алишер Навоий, Имом Раббони-ю Мирзо Абдулқодир Бедил каби улуг мутафаккирларимиз олам аҳлига тушунтириб бера олган эканлар, биз ҳам ўз навбатимизда уни бани башарга етказишга масъулмиз.

Тасаввуфни эскирган, бугунги давр инсони учун керак бўлмайдиган илм, деб ўйлайдиганлар ҳали кўп. Бундай олиб қараганда, фан ва технологиялар юксак даражада ривожланиб бораётган бир даврда бундай билимлар ҳақиқатан ҳам керак эмасдай, эскириб қолгандай туюлади. Аммо аслида бундай эмаслигини ҳаёт ва воқеяликнинг ўзи кўрсатиб турибди. Негаки, бугунги давр инсони, ривожланиш ва юксалишларга қарамасдан, маънавий қашшоқлик ва руҳий инқироздан азият чекмоқда. Ўзининг асл табиатидан тобора бегоналашиб бораётган инсоният Албер Камюнинг ўз онасини кўмаётган чоғда бамайлихотир сигарет чекаётган ва қаҳва ичишни хоҳлаётган (“Бегона” асари) Мерсосига ўхшаб бормоқда. Тасаввуфга ўхшаган маънавий ва фалсафий таълимотлар айнан ана шундай инқирозлар учун ўзига хос вакцинадир. Тасаввуф шундай бир тафаккур тарзики, у замонлар ўтиши билан эскирмайди. Чунки у инсон табиати билан, инсон руҳияти ва унинг ботин олами билан чамбарчас боғланган. Чунки, у инсонни эртанги кунга ишонтириб, унга руҳий куч ва мадад бағишлай оладиган фалсафадир. Шу нуқтаи назардан, Тасаввуф турли замон ва маконларда мавжуд бўла оладиган таълимотдир.

Тасаввуф маънавий мероси бутун Ер юзи мусулмон халқларининг муштарак маънавий мероси саналади. Қолаверса, бу маънавий мерос бутун инсониятга тегишли. Бугунги глобаллашув даврида кичик миллий маданиятларнинг қудратли давлатлар ва йирик маданиятларнинг кучли таъсири остида қолиб кетаётган пайтда, салкам 1300 йилдан буён жаҳон цивилизациясининг ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилган Тасаввуф таълимотини илмий жиҳатдан ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Тасаввуф – бу исломий тафаккур ва ҳаёт тарзининг бир шакли сифатида минтақа халқларининг тарихий ва маънавий борлиғи, фалсафий ва бадий тафаккур тарзини ўзида мужассам этиб келган.

Тасаввуф таълимоти ва унинг намояндаларининг жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳақидаги фактлар ва фикрларни узоқ давом эттириш мумкин, аммо шу қисқача тавсиф билан кифояланган ҳолда шундай хулосага келиш мумкинки, тасаввуф ҳақиқатан ҳам бутунжаҳон цивилизация ҳодиса сифатида ўрганиш ва ўргатишга лоиқ илм экан.

Бу ҳаётбахш ва инсонпарвар таълимотни Мўътазилия оқими тарафдорлари мутаассиб ва саводсиз деб, салафийлар



бидъатчи деб, ваҳҳобийлар ва ҳизб ут-таҳрирчилар эса кофир деб билишган ва доимий равишда унга нисбатан душманона муносабатда бўлишган.

2019 йилда Лондонда нашр этилган “Глобал суфизм” номли фундаментал тадқиқотда муаллифлар тасаввуф таълимотини бугунги давр инсони учун ўта муҳим маънавий омил сифатида баҳолашган. Мазкур тадқиқотда тасаввуфнинг ҳам жамият ҳаёти, ҳам инсоннинг руҳий олами учун зарурлиги, ушбу таълимотнинг тажрибаларини амалиётда қўллаш ижобий натижалар бериши мумкинлиги таъкидланади. Айниқса, муаллифларнинг тасаввуф таълимотининг Европа ва Америка қитъалари маданияти ва санъатига кўрсатган таъсири, жумладан, жаз мусиқасининг келиб чиқишини тасаввуф таълимоти билан боғлаши Фарб тадқиқотчиларида бу борада бутунлай янгича қарашларнинг шаклланишидан дарак беради.[10]

Шарқ маънавий меросининг ажралмас қисми ҳисобланган тасаввуф алломаларининг маънавий мероси ЮНЕСКО ташкилотининг ҳам доимий диққат марказида бўлиб келган. Жумладан, ЮНЕСКО томонидан 2005 йил буюк шоир ва мутасаввиф, Мавлавия тариқатининг асосчиси Мавлоно Жалолиддин Румий хотирасига бағишлаб “Мавлавия самоъ маросими” йили, 2007 йил эса “Халқаро Мавлоно Румий йили” деб эълон қилинган эди.

## ХУЛОСА

Айни пайтда соғлом ақл билан тафаккур қилиб, бир ҳақиқатни тан олиш фурсати етиб келди: Тасаввуф XXI асрга келиб, глобал маънавий-руҳий ҳодиса сифатида ўзлигини намоён эта бошлади. Зеро, “бугунги кунда Ер шарининг Япониядан Америкагача бўлган ҳудудлари оралиғида Тасаввуф таълимотини фавқулодда қизиқиш билан ўрганиш жараёни бошланган. Бугунги кунда бу исломий тафаккур ва ҳаёт тарзи – Тасаввуф ва унинг фалсафаси, бадиий адабиёти, ҳаётбахш ғояларини мусулмонлар билан биргаликда турли дин ва миллат вакиллари ҳам ўрганишга бел боғлашган. Нега? Чунки тобора маънавий қашшоқлик, ахлоқий тубанлик ва руҳий инқирозлар гирдобига тушиб бораётган инсоният Тасаввуфнинг руҳий тарбия усулларидан фойдаланишга муҳтож бўлиб бормоқда”.[4,15]

Хулоса қилиб айтганда, инсоният тарихий тажрибаси Тасаввуф таълимотини эскирган матоҳ сифатида баҳолаш катта хато эканлигини кўрсатди. Зотан, иррационал билиш усулига асосланган, аммо, шунингдек, рационал тафаккурни ҳам инкор этмайдиган, диний ва дунёвий тафаккурни уйғунлаштирган ушбу диний-фалсафий таълимот Ер шарининг катта қисмида ўзининг салкам 1300





йиллик мавжудлиги давомида такомиллашиб бориш ва модернизациялашиш имкониятлари кенглигини исботлаб берган. Бу ҳолатни айниқса, ҳам Шарқ ва ҳам Ғарб дунёсида кенг тарқалган Мавлавия (Мавлоно Жалолиддин Румий асос солган) ва Нақшбандия (Хожа Баҳоуддин Нақшбанд асос солган) каби ирфоний тариқатлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

## REFERENCES

1. Annemarie Schimmel, *Dim e nsi Mistik Dalam Islam* (Jakarta: Pustaka Firdaus, 2002).
2. Basu S. How the spiritual dimension of health was acknowledged by the world health assembly - A report. *New Approaches Med Health*. 1995;3.
3. Br. J. *Psychiatry*. 1994, Oct; 165(4):441-6.
4. Жаъфар Холмўминов. Тасаввуф онтологияси. – Тошкент: “Yosh avlod matbaa”, 2021.
5. Iqbal M. *The Reconstruction of Religious Thought in Islam*. London: Oxford University Press; 1934.
6. Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо ал-Жазарий. Тасаввуф сирлари . – Тошкент, 1999.
7. M. Amin Syukur, *Tasawuf Kontekstual Solusi Problem Manusia Modern* (Yogyakarta: Pustaka, 2003), 112.
8. Pargament K, Kronfol Z, Tice TN, Appel H. *Res Nurs Health*. Pathways to postoperative hostility in cardiac patients: mediation of coping, spiritual struggle and interleukin-6. 1987 Dec; 10(6):391-8.
9. S. Haque Nizamie, Mohammad Zia Ul Haq Katshu, and N. A. Uvais “Sufism and mental health” *Indian J Psychiatry*. 2013 Jan.
10. Francesko Piraino and Mark Sedgwick (Eds). *Global Sufism. Boundaries, Narratives, and Practices*. – HURST and COMPANY, London, 2019.
11. Fulford KW. Religion and psychiatry: Extending the limits of tolerance. In: Bhugra D, editor. *Psychiatry and Religion: Context, Consensus and Controversies*. London: Routledge; 1996.
12. مستملی بخاری، امام ابو ابراهیم اسماعیل بن محمد. شرح التعرف لمذهب التصوف. ربع اول. - تهران، ۱۳۴۳.

